III. ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИНИНГ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга оширишнинг хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.2. "Истеъмолчи"га стказиб берилган иссиклик энергиясининг миқдори кириш кисмида ўрнатилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аникланади. (Агарда «Истеъмолчи»нинг иссиклик энергия ёки иссик сув таъминотига хисобга олиш прибори урнатилаган булса, бу хакида икки томонлама тузилган далолатнома ушбу шартномага илова килинади. «Истеъмолчи» объектларида иссиклик энергиясини хисобга олиш приборлари урнатилмаган булса, «Иссиклик энергияси ишлаб чикиш, узатиш учун ёкилги, электр энергияси, иссиклик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини хамда иссиклик юкламаларини, иситиш козонхоналарнинг уз эхтиёжлари учун иссиклик энергияси сарфини, шунингдек иссиклик тармокларидаги йукотишларни аниклашнинг хисоблаб чикиш методикаси»га биноан хисобланган биноларини иситишга керакли булган иссиклик микдори буйича хисоб-китоб килинади.)

3.3. "Таъминотчи"нинг объектларида ўрнатиладиган иссиклик энергиясини хисобга олиш приборлари "Истеъмолчи" томонидан сотиб олинади ва ўрнатилади, "Ўзстандарт" агентлигида аттестациядан ўтказилгандан кейин шартнома асосида "Таъминотчи"нинг хизмат кўрсатишига ўтказилади.

"Истеъмолчи"да ўрнатилган хисобга олиш приборлари "Истеъмолчи"нинг ўзи томонидан "Ўзстандарт" агентлигида аттестациядан (прибор комплектда 2 йилда, термометр 1 йилда бир марта) ўтказилади, "Истеъмолчи"нинг ўзи томонидан прибор ечиб олинади, таъмирланади, урнатилади ва эксплуатация килинади.

3.4. "Таъминотчи" томонидан хизмат кўрсатиладиган хисобга олиш приборларини таъмирлаш даври мобайнида иссиклик энергияси учун хисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охирги 15 сутка утун ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади. "Истеъмолчи"нинг балансидаги иссикликни хисобга олиш приборлари таъмирлаш учун 15 суткагача бўлган муддатга тўхтатилганда иссиклик энергияси учун хисоб-китоблар приборлар тўхташидан олдинги охирги 15 сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича, 15 суткадан кўп бўлган муддатга тўхтатилганда эса хисоб-китоблар шартномадаги бир соатлик юклама ва иссиклик энергиясини узатиш соатлари сони бўйича амалга оширилади.

"Истеъмолчи" хисобга олиш приборларини таъмирлаш тугагунгача истеъмол килишни тўхтатиб туришга хаклидир, бу холда "Таъминотчи" беркитиш арматурасини пломбалайди ва бу хакда биргаликда далолатнома тузилади.

3.5. Ҳисобга олиш приборлари бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар бўлиниш чегарасидан хисобга олиш приборлари ўрнатиладиган жойгача бўлган участкадаги иссиқлик энергияси йўқотишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Йўқотишларнинг хисоб-китоби "Иссиклик энергиясини ишлаб чикариш ва узатиш учун иссиклик юкламаларини, ёкилги, электр энергияси, иссиклик энергияси ва сув сарфлари меъёрларини хамда технологик йўқотишлар меъёрларини аниклаш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Йўқотишларнинг хисоб-китоби "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда тармоқларнинг мансублиги хисобга олинган ҳолда амалга оширилади ва икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Қуйидаги ҳолларда тармоқ сувидаги иссиклик энергияси йўқотишлари "Истеъмолчи" томонидан шартномавий нархлар бўйича тўланади:

иссиклик тармоқларининг гидравлик ва хароратли синовлари ўтказидиши билан боглиқ йўқотишлар ўрнини тўлдириш;

"Истеъмолчи" тармоғини унинг буюртманомаси бўйича тўлдириш, аварияли вазиятлар хам шу жумлага киради;

"Истеъмолчи"дан қайтариладиган паст сифатли (таркибида темир, механик қоришмалар ва бошқалар мавжуд бўлган) оркага қайтадиган тармоқ сувини сиздириш.

3.7. "Таъминотчи"нинг айби билан юз берган тармоқ сувидаги иссиклик энергияси йўқотишлари учун "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланмайди.

3.8. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи"нинг иссиклик тармоклари баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасигача иссиклик энергияси етказиб бериш бўйича барча харажатлар ва унинг йўқотишлари тарифларда хисобга олинган бўлиб, тарифлардан ортикча қўшимча ҳақ тўланишига йўл қўйилмайди.

3.9. Иссиклик тармокларининг баланс бўйича мансублиги бўлиниш чегарасидан кейин иссиклик энергиясининг барча харажатлари ва йўқотишлари "Истеъмолчи"нинг хисобига тегишли бўлади. Агар иссик сув "Истеъмолчи"нинг иссиклик тармоклари оркали узатилса иссиклик энергияси микдори электр станцияси (туман қозонхонаси) коллекторида хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аникланади.

3.10. "Истеъмолчи" хар ойда хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади ва хар ойнинг 25 санасигача истеъмол килинган иссиклик энергияси хакидаги хисобот "Истеъмолчи" томонидан белгиланган муддатда такдим этилмаса, "Таъминотчи" хисоб-китобни шартномадаги иссиклик юкламаси бўйича амалга оширади. Амалда истеъмол килинган иссиклик энергияси микдорини кайта хисоб-китоб килиш, соз холатдаги хисобга олиш приборининг кўрсаткичлари биргаликда ёзиб олиниб, тегишли далолатнома тузилгандан кейин амалга оширилади. Мазкур кайта хисоб-китоб, кейинги хисобот даври учун хисоб-китоб килишда эътиборга олинади. Иссиклик энергияси хакидаги хисобот истеъмолчи томонидан такдим этилганидан сўнг "Таъминотчи" томонидан "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоблагичларнинг кўрсаткичи ва хакикий истеъмол килинган иссиклик энергияси бўйича хисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у узатилган ва истеъмол килинган иссиклик энергиясини хисобга олишнинг бирламчи хужжати бўлиб хисобланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар бўйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

"Таъминотчи" истеъмол килинган иссиклик энергияси учун хисоб-китобни ўрнатилган шакл (Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат кумитасида руйхатга олинган йурикнома иловасига асосан) бўйича амалга оширади хамда хисоб-варакасини ёзиб "Истеъмолчи"га топширади.

Шу билан бир вактда "Таъминотчи" хисоб-варакасига асосан хизмат кўрсатувчи банк оркали "Истеъмолчи"нинг хисоб ракамидан акцептсиз равишда ечиб олиниши учун хисобот ойига хисобланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айрилган киймат бўйича тўлов талабномасини такдим этади.

"Истеъмолчи" хар ойда иссиклик энергияси учун шартномавий миқдорнинг 15 % (ун беш) фоиз миқдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширади.

3.11. "Истеъмолчи" томонидан хисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиклик энергияси сарфини хисоблашда йўл қўйилган хатолар аникланган тақдирда "Истеъмолчи" бир ҳафта муддатда бу ҳакда "Таъминотчи"га ариза бериши керак.

Ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисида ариза берилиши "Истеъмолчи"ни у истеъмол килган иссиклик энергияси учун тўловни белгиланган муддатда тўлашдан озод килмайди.

3.12. Узатилган иссиклик энергияси учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га 1 Гкал учун Вилоят молия бошкармаси томонидан тасдикланган деларацияда тасдикланган тариф бўйича тўлайди.

3.13. Тўлиқ етказиб берилмаган иссиклик энергиясининг миқдори хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аникланади. Чеклаш вакти "Таъминотчи" диспетчерлик хизматининг оператив дафтаридаги ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

"Таъминотчи"нинг айби билан "Истеъмолчи"нинг технологик эхтиёжларига иссиклик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, хисобга олиш приборлари бўйича, иссиклик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткадан олдинги 3 суткадаги иссиклик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиклик энергияси тўлиқ етказиб-берилмаган суткада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

3.14. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиклик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдикланган тақдирда "Таъминотчи" охирги ҳисоб-китоб давридаги иссиклик энергияси сарфини тегишли равишда, "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилишга мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бўйича бажарилган қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиклик энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

3.15. "Истеъмолчи"ларга иссиқ сув эхтиёжлари учун етказиб бериладиган иссик сув харорат жадвалидан паст булган тақдирда, иссиқ сув учун тариф бўйича 0,2 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдикланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиклик энергияси учун "Истеъмолчи" томонидан тўловлар, ҳисоб-китоб ойидан кейинги 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиклик юкламасини ўзгартириш "Истеъмолчи"нинг буюртмасига кўра "Таъминотчи" томонидан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

а) иссиклик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиклик таъминоти корхонасидан иссиклик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини талаб килиш;

б) иссиклик энергиясини етказиб бериш режимини назорат килиш, иссиклик энергияси параметрларининг шартномавий миқдорлардан четга чиқишига йўл қўймаслик:

иссиқ сув етказиб бериш бўйича:

иссиклик берувчи қувурда сув харорати бўйича – 3 фоиздан ортиқ (+);

иссиклик берувчи қувурда сувнинг босими бўйича - 5 фоиздан ортиқ (+);

оркага қайтадиган қувурда сувнинг босими бўйича - 20 кПа ортиқ (+) четга чиқишга йўл

қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида олинади;

в) "Иссиклик энергиясидан фойдаланиш" қоидалари талабларига мувофиқ ўзининг иссиклик тармоқларига субистеъмолчиларни улаш;

г) иссиклик энергиясининг шартномавий параметрлари "Таъминотчи"нинг иссиклик энергияси истеъмолини тўхтатиш. Ушбу холда "Таъминотчи" қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда "Истеъмолчи" олдида жавоб беради.

4.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиклик тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"га, "Иссиқликдан фойдаланувчи қурилмалар ва иссиклик тармоқларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари"га ҳамда "Иссиқликдан энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га қатъий риоя қилиш;